

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА СПОРТ МАШГУЛОТЛАРИ

Атабеков Фозил Оразали ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

ўқитувчиси

Аннотация: мақолада бошлангич таълимда спорт машгулотлари масалалари тўғрисида фикр юритилган ва методик тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: бошлангич, таълим, спорт, машгулот, тарбия, методика, тавсия, кўникма.

SPORTS ACTIVITIES IN PRIMARY EDUCATION

Atabekov Fozil Orazali ugli

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: the article discusses the issues of sports activities in primary education and provides methodological recommendations.

Keywords: primary, education, sports, occupation, upbringing, methodology, recommendation, skill.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Шу жиҳатдан бошлангич таълимда спорт машгулотларини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фен соҳаларини ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорида алоҳида вазифалар белгиланган [1].

Бошлангич таълимда “Жисмоний тарбия” ўкув фани воситасида бошлангич синф ўкувчиларини жисмоний тарбиялаш ва уларни болалар

спорти йўналишларига жалб этиш вазифалари амалга оширилади. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда спорт машғулотлари қуидаги хусусиятларга эга бўлади:

- ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш;
- ўқувчиларда болалар спортининг турларига бўлган қизиқиш ва ҳохишларни аниқлаш;
- ўқувчиларда жисмоний еткулик ва спортга қизиқувчанлик кўникмаларини шакллантириш;
- ҳар бир ўқувчининг жисмоний, физиологик ва руҳий етуклигини таъминлаш.

Шу маънода бошланғич таълимда спорт машғулотлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бундай хусусиятларнинг асосийлари қуидагилардан иборат:

- спорт машғулотларини имкон қадар биринчи дарсларда ташкил этиш;
- мактаб спорт зали ва жиҳозларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни юксак савияда ўтказиш;
- ҳар бир машғулотда болалар спортининг барча турлари бўйича машғулотлар ташкил қилиш;
- болаларнинг имкониятлари ва ҳохиш-истагини ҳисобга олиш.

Бундай хусусиятлар асосида бошланғич таълимда спорт машғулотларини ташкил этиш кутилган самарани беради. Шу сабабли бу борада қуидаги назарий-методик ишларни амалга ошириш долзарб бўлиб турибди:

- бошланғич таълимда спорт машғулотлари бўйича янги технологиялар асосидаги ўқув адабиётларини яратиш;
- “Бошланғич таълимда спорт машғулотлари” ўқитувчи китобини тайёрлаш ва нашр этиш;
- болалар спорти турлари таснифини ишлаб чиқиш;

- бошланғич таълим ўқувчиларининг спортга оид қўникмасини аниқлашнинг индикаторларини яратиш.

Бундай ёндашув бошланғич таълимда спорт машғулотларини кутилган даражада ташкил этиш ва ўтказишнинг имкониятларини кенгайтиради.

Бошланғич таълимда спорт машғулотларини ташкил этишда қўйидаги болалар спорти турларига амал қилиш керак бўлади:

- футбол, волейбол, гандбол;
- енгил атлетика;
- турник машқлари;
- болалар ўйинлари;
- дидактик-спорт болалар ўйинлари.

Бошланғич таълимда болалар спортининг бу турлари тарбиявий характерда амалга оширилади. Шу сабабли бошланғич таълимда спорт машғулотларини ўтказишга қўйидаги талаблар қўйилади:

- машғулотларнинг дидактик хусусиятга эга бўлиши;
- машғулотларнинг тарбиявий аҳамияти юқори бўлиши;
- машғулотларнинг ўқувчиларни жисмоний ривожланишга йўналтирилганлиги;
- ҳар бир машғулотнинг қатъий мониторинг назоратида амлга оширилиши.

Буларнинг барчаси бошланғич таълимда спорт машғулотларини ўзига хос тарзда ўтказишни тақоза қиласи.

Пандемия каби мураккаб шароитларда бошланғич таълимда спорт машғулотлари масофавий шаклда ўтказилади. Бунда қўйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- машғулотларнинг назарий қисмини алоҳида тушунтириш;
- болалар спорти турлари билан шуғулланиш бўйича амалий кўрсатмалар бериш;

- ота-оналарнинг болаларнинг машғулотларини кузатиб боришини ташкил этиш;

- масофавий тарзда болаларни рағбатлантириб бориш.

Бундай ёндашув мураккаб шароитларда бошланғич синфлардан спорт машғулотларини үтказиб бориш имкониятларини кенгайтиради [2].

Шундай қилиб, бошланғич таълимда спорт машғулотлари ўзига хос ёндашувлар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда бошланғич таълимда спорт машғулотларини муаммоларини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фармони соҳаларини ривожлантириш түғрисида”ги Қарори:// www.ziyonet.uz
 2. Мардонов Ш. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиши технологияси. – Тошкент,2021.
 3. Атабеков Ф., Азаматова Д. The importance of school and family cooperation at elementary school. Lxi international correspondence scientific and practical conference «european research: innovation in science, education and technology» London, United Kingdom, March 11-12, 2020, pp 89-91
 4. Атабеков Ф. Оилада таълим тарбия ва миллий ахлокий эътиқод. *Наука и образование в современном мире: Вызовы XXI века. Исторические науки и археология апрель 2020, pp.69-71*
 5. З.А.Наримбетова ОБУЧЕНИЕ ПРИЕМАМ САМОЦЕНИВАНИЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ "Экономика и социум" №5(84) ч.2 2021

6. 3.A. Наримбетова учитель-нравственный пример для ученика
ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 |
ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021

7. Z.A.Narimbetova The Study Of The Elements Of Fractal
Geometry As A Means Of Integrating Knowledge In Mathematics And
Computer Science In The Educational Process Of A Secondary School Students
.International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 04,
April 2020

8. 3.A.Наримбетова Роль и функции геометрических задач в
изучение свойств геометрических фигур. International Electronic Scientific
and Practical Journal «Way Science» Dnipro (Ukraine). - 2020